

ШАЙХ ЗУЛФИҚОР АҲМАД НАҚШБАНДИЙ

Тўхтаев Алибек Шарафитдин ўғли
Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Аннотация. Ушбу мақола юртимизда яшаб, ижод қилган тариқат уламолари ҳаёти тўғрисида. Хусусан, нақшбандия тариқати пешвоси шайх Зулфиқор Аҳмад Нақшбандийнинг илмий фаолияти ва мероси ҳақида маълумотлар келтирилади. Унинг илмий сафарлари ва асарлари баён қилинади. Маълумотлар даврларга ажиратиб келтирилади. Ушбу маълумотлар ишончли манбалардан олинган.

Таянч сўзлар: Мовароуннаҳр, илм, фан, маърифат, дин, мерос, асар, тарбия, ҳадис, тафсир, олим, муҳаддис, фақиҳ, муфассир, тақводор, солиҳ, зоҳид, шайх, машойих, ҳофиз, анъана.

Кириш

Милодий XV асрнинг ярмига қадар ер юзида инсонларни ҳидоятга бошловчи, уларга илм ўргатиб, рухий тарбия берувчи, ички оламига гўзал нақшлар солувчи, ҳидоят маёқлари бўлган уламолар, тариқат ва тасаввуф муршидлари кўп эди. Лекин вақт ўтиши билан улар бирин-кетин боқий дунёга рихлат қилдилар. Уларнинг вафотларидан сўнг инсонларни нур юзли зотларни кўрмаслик кўрқуви чулғаб олди.

Аллоҳ таолонинг ваъдаси – ҳақ, бунга асло шак-шубҳа йўқ. Буюк Роббимиз ҳеч қачон ҳабиби Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматини ёрдамсиз қолдирмайди. Дарҳақиқат, шундай бўлди ҳам. Мусулмон олами Ғарбий Панжобдаги Жҳанг шаҳридан уфққа ҳидоят маёғи бўлиб кўтарилган ойни кўрди [3:121]. Унинг нури жуда тезлик билан бутун уфқни ёритди. Қақраб ётган диллар раҳмат булутининг ёмғиридан қониб-қониб ича бошлади. Кўрқув ва ноумидлик ўрнини ишонч ва умид эгаллади. У улуғ зот уламолар ва солиҳлар суюқлиси, шариат ва тариқат пири ҳазрат Мавлоно Пир Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий Мужаддий эди [8:63].

Таваллуд топишлари ва ёшлик йиллари

Ҳазрат 1953 йил 1 апрелда Ҳиндистоннинг Панжоб вилояти Жҳанг шаҳрида туғилган. Отасининг исми Аллоҳ Деета ҳофиз Қуръон бўлиб, Аллоҳ розилиги учун Қуръондан дарс берарди. Ҳар куни таҳажжуддан кейин Қуръони каримдан 3-4 пора тиловат қилиш одати бор эди. Ҳазратнинг волидаси ҳам обида, солиҳа, тақводор аёл эди. У зот оналарини бунлай хотирлайди: “Мен уч ёшимгача онам билан бирга ухлардим. Кечалари уйғониб қолсам, волидам олдимда бўлмас эди. Ҳар гал онамни жойнамоз устида таҳажжуд намозини ўқиётганини кўрардим. Онам намозини тугатишини анча кутардим. Намоздан сўнг йиғлаб узоқ дуо қиларди. Онамнинг таҳажжуд намозида йиғлаганидек бировнинг бунчалик кўп йиғлаганини кўрмаганман. Баъзан менинг исмиمنى тилга олиб, дуо қиларди, бундан жуда хурсанд бўлиб ухлар қолар эдим” [7:50].

Бошланғич таълим ва тарбия

Ҳазратнинг таълим ва тарбиясида у зотнинг акаси Малик Аҳмад Алининг

ҳиссаси катта бўлган. У киши қаттиққўл ва меҳрибон эди. Ҳамиша укаларини ёмон хулқли болалар билан дўстлашиш ва суҳбатлашишдан узоқ қилган.

Мавлоно Зулфиқор Аҳмад мактаб ва коллеж дарсларидан ташқари, Қуръони каримни тўлиқ ёд олиб, Қуръон ҳофизи бўлди. Форс ва араб тилидаги асарларни, сарф-наҳв (араб тили грамматикаси)ни, айниқса, ҳадиси шарифга доир бир қанча китобларни қунт билан ўқиди.

Илоҳий муҳаббат оташи

Бу даврга келиб ҳазрат “Ғунятут толибийн”, “Кашфул маҳжуб” ва шу каби китобларни ўқиб, жуда қаттиқ таъсирланади [4:109]. Қалбида муҳаббат учқунлари аланга ола бошлайди.

Ҳазратга Шайхул Ҳадис Мавлоно Закариё раҳматуллоҳи алайҳнинг “Ҳазоили зикр” номли китобида келган бир воқеа жуда қаттиқ таъсир қилади. Ушбу ҳикояда Сирри Сақатий раҳматуллоҳи алайҳ айтади: “Мен Журжоний ҳазратларини курук талқонни чайнамасдан тановул қилаётганини кўрдим. Шунда мен “Ахир, бу қувват бўмайди. Нон есангиз-чи”, дедим. Шунда у зот: “Нонни чайнаш ва талқон ейиш учун сарфланадиган вақтни ҳисоблаб чиқиб, жуда кўп вақт исроф бўлишини билдим. Бу вақтда етмиш марта “Субҳаналлоҳ” деб зикр қилиш мумкин. Шу боис, етмиш йилдан бери нон емайман”, деб жавоб беради.

Бу воқеа ҳазратнинг ҳассос табиатига шу даражада таъсир этадики, у зот эртаю кеч, ҳар ҳолатда “Субҳаналлоҳ” зикрини тилидан туширмайди. Бунинг натижасида ҳазрат ўзига камгаплик, оз ейиш, кам ухлашни одат қилди. Ҳазрат икки ярим йил “Субҳаналлоҳ” зикрини тилидан қўймади. Икки йил давомида ҳар кун ҳожат намозини ўқиб Аллоҳдан: “Ё Илоҳий, бирор-бир комил пири муршидга учраштиргин, унинг суҳбатини менга насиб этгин”, деб дуолар қилди [5:88].

Илоҳий раҳмат жилваси

Аллоҳ таоло ҳеч қачон холис дуони рад қилмаган, қилмайди ҳам. 18 ёшида ҳазрат билан боғлиқ ажойиб воқеа юз берди. Мавлоно Зулфиқор Аҳмад масжидда эътикофда эди, таҳажжуд намозидан сўнг зикрлардан фориф бўлгач, тонг отишига чамаси бир соатча вақт қолганда, жойнамоз устида ухлаб қолади ва тушида ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуни кўради. У зот бармоқларини ҳазратнинг қалбга қўйиб, “Аллоҳ...”, “Аллоҳ...” “Аллоҳ...”, дейдилар. Ҳазрат уйғониб кетади, бутун бадани эса титрар эди.

Устоз тутишлари

Бу воқеадан сўнг ҳазрат намоз, зикр, тиловатларида ажиб бир лаззат туя бошлайди. Қалби қаттиқроқ, лекин ёқимли тарзда ура бошлайди. Ҳатто бир неча кун кўксларини боғлаб юради. Охири университетдаги дўстлари Жаноб Муҳаммад Аминга бўлиб ўтган воқеани айтиб беради. У киши Лоҳурга бориб, Шайх Важиҳуддиндан маслаҳат олади. Унга пири комил Абдуллоҳ раҳматуллоҳи алайҳга хат ёзишни тавсия қилишади. Хатга бир неча кундан кейин бундай мазмундаги жавоб келади: “Маълум бўлган нарса шуки, сизнинг қалбингиз равшан бўлибди. Дарҳол бир устоздан таълим олинг, Аллоҳ таоло сиз билан юз минглаб инсонларни хидоятга

бошлайди. Агар устоз тутмасангиз, лаънатланган шайтон сизни фитнага солиши мумкин”.

Бу хатни ўқигач, ҳазрат Зулфиқор Аҳмад ўша давринг машҳур нақшбандия тариқатининг Шайхи Мавлоно Саййид Заввор Ҳусайн Шоҳ раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳузурига бориб, у зотни устоз тутиб, таълим олади. Устозлари вафотидан сўнг, ўша давр нақшбандия тариқатининг етук муршиди ҳазрат Хожа Ғулом Ҳабибдан таълим олишни давом эттиради.

1983 йил устозидан халфалик мақомини олади ва нақшбандия тариқати асосида инсонларга таълим бера бошлайди. Натижада нақшбандия тариқатининг етук шайхларидан бирига айланади [7:11].

Албатта, авлиёларнинг кароматлари ҳақдир. Бундан бир неча йил олдин Хожа Мавлоно Абдуллоҳ: “Аллоҳ сизни сабабчи қилиб юз минглаб инсонларни ҳидоятга бошлайди”, деган эди. Ҳозирги кунда Шайх Мавлоно Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий ҳазратнинг шогирдлари ва издошлари миллион нафардан ошиб кетди.

Ҳазрат замонамиз муаммоларини нақшбандия тариқатининг таълимотига кўра, моҳирона ва замонавий мисоллар билан тушунтириб беради. Шайх ҳазратнинг нутқ ва маърузалари дилтортар бўлиб, руҳий тарбияни ислоҳ қилишга қаратилган. Ҳазратнинг маъруза ва суҳбатларини инсонлар кўзда ёш билан тинглаб, гуноҳларига чин кўнгилдан тавба қилишади. Энг муҳими, ҳаётда суннатга амал қилишни одат тусига киритишади.

Шайх Зулфиқор Аҳмад ҳазратнинг асарлари китобхонлар орасида қўлма-қўл, севиб мутолаа қилинади. У зот диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллагани, бир неча хорижий тилларда бемалол маъруза қилиши туфайли XXI асрда нақшбандия тариқати таълимотларини нафақат Осиё, балки Европа ва АҚШда ҳам кенг тарғиб қилмоқда. Ҳазрат етмишдан ортиқ мамлакатларга, хусусан, бир неча марта Ўзбекистонга ҳам ташриф буюрган. У зот сафарларини хотирлаб “Лоҳур се то хаке Самарқанду Бухоро” (Лоҳурдан Самарқанд ва Бухоро тупроқларигача) номли китоб ёзган [3:21].

Шайх Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий ҳазрат Хожа Муҳаммад Абдулмолик Сиддийқийнинг Қуръон ҳофизи бўлган кичик қизларига уйланган. Улардан икки ўғил: Мавлоно Пир Ҳабибуллоҳ Нақшбандий ва Мавлоно Сайфуллоҳ Нақшбандий дунёга келган.

Таълим олган жойлари

- 1967 йил – ўрта мактаб
- 1971 йил – Панжобда ўрта махсус таълим (коллеж)
- 1976 йил – Лоҳурда электр муҳандислиги ихтисослиги
- 1990 йил – Швецияда ўз соҳаси бўйича малака оширган

Диний таълим йўли

- Отасидан Қуръонни тўлиқ ёд олган.
- Жомия Реҳмания Жаҳания Манди университетига ҳадис фанидан тўлиқ ҳадис давраида билим олди.

- Жомиа Қасим ул-улум Мултан университетидида ҳам ҳадис фанидан тўлиқ ҳадис даврасида иштирок этди.

- 1971 йил Нақшбандия тариқати ва тасаввуф таълимотидан Шайх Мавлоно Саййид Заввор Хусайн Шоҳ раҳматуллоҳи алайҳдан сабоқ олади.

- 1983 йил Нақшбандия тариқати ва тасаввуфдан ҳазрат Хожа Ғулом Ҳабиб раҳматуллоҳи алайҳдан таълим олади.

Ёзган китоблари

“Илоҳий ишқ”, “Ишқи Расул”, “Ҳабибимиз ҳаётлари”, “Сулук даражалари”, “Сулук мақомотлари”, “Нақшбандия тариқатининг зикрлари”, “Нақшбандия шайхлари силсиласи”, “Дил давоси”, “Қалб хотиржамлиги”, “Фойдали илм”, “Намунали аёл”, “Ғуноҳлардан қандай сақланамиз?”, “Эркак камолотида аёлнинг ўрни”, “Номид бўлманг”, “Имоннинг аҳамияти”, “Қалбни поклаш усуллари”, Мағфират қилиниш шартлари”, “Аёллар учун ислоҳий тарбиялар”, “Турмушнинг намунали кўриниши”, “Муслима аёллар учун йўриқнома”, “Тасаввуф ва сулук”, “Одобли насибалидир”, “Ўлимга тайёрланиш”, “Лахурдан Бухоро ва Самарқанд тупроқларигача”, “Ислоннинг аёлларга меҳрибонлиги” [5:125].

Хулоса ўрнида шундай дейиш мумкин, инсоният тараққиёти тарихида шундай шахслар бўлганки, уларнинг фаолияти маҳаллий, маданий ҳудуд чегарасидан ташқарига чиқибгина қолмай, балки даврлар чегарасини ёриб ўтиб, ғоялар ривожланишида умумжаҳон жараёнининг бир қисмига ҳам айланган. Уларнинг асарлари барча нодир ҳодисалар сингари аввал ўтганлар тажрибаларни энг қимматли томонларини ўзида гавдалантиради, жамият илмий фикри ҳамда маънавий маданиятнинг кейинги кўп асрларда содир бўладиган олға ҳаракатини белгилаб беради. Мана шундай буюк сиймо бу сўзсиз шайх Зулфиқор Аҳмад Нақшбандийдир.

Мақола материаллари ва хулосасига биноан қўйидагича таклифлар бериш мумкин:

1. Нақшбандия тариқатининг шаклланиб, ривожланишида муҳим ўрин тутган шайх Зулфиқор Аҳмад Нақшбандийнинг ҳаёти ва меросларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

2. Мазкур олимнинг илмий фаолияти ва меросини ўрганиш ва маълум муаммоларни бартараф қилишда аҳамиятини кўрсатиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний. ал-Ансоб (Насабнома). Таржимонлар: Абдулғафур Раззоқ Бухорий, Комилжон Раҳимов. – Т.: “Ҳилол” нашриёт-матбааси, 2017.

2. Шайх Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий. Илоҳий ишқ. Тарж: Нодиржон Одинаев; -Тошкент: "Матбаачи", 2022.

3. Мирзиёев Ш. Буюк келажатимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017й.

4. Имом Валиюллоҳ. Хужжатуллоҳил болиға. – Байрут: “Дарул Жайл”, 2005.

5. Валиюллоҳ Деҳлавий Ат-Тафҳиймотул Илоҳия, Ж-2. – Байрут: “Дарул Жайл”, 2004.

6. Муфтий Аъзам. Маоруфул Қуръон. – Карачи: “Мактабату маъарифил Қуръан”, 2010.

7. Имом Муҳаммад Ибн Исмоил Бухорий. Саҳиҳул Бухорий, Ж-3. – Байрут: “Дару тавкун нажат”, 1422х.

8. Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Мағнисавий. Абул мунтаҳо. – Мадина: “Диросатул Исламия”, 1992.

9. Файсал ибн Абдулазиз . Татризу Риёзус солиҳийн. – Риёз: “Дарул асима”, 2002. – Б.310.